

# PUDRAT SHARTNOMASI

312-4-58-OB/2022-son

8«8»2022 yil.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Ободонлаштириш бошқармаси номидан

(буюртмачининг номи)

Низом асосида иш кўрувчи Ж. Абдиев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Муборак таъмир қувур сервис» МЧЖ Номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А. Раizzoков иккинчи томондан, **Савсантепа МФЙ 3-ички автомобиль йулини капитал таъмирлаш** объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник напорелар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сннови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** — Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** — сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** — ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Савсантепа МФЙ 3-ички автомобиль йулини капитал таъмирлаш** лойихада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, таълов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «02» августдаги № 127395-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **369000000.0 (уч юз олти миш тўққиз миллион )** сўмни ташкил этади.

(сумма ёзув билан)



4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

— қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

— ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

— объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқда ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

— барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга \_\_\_\_\_-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

— \_\_\_\_\_-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оմборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклар ўрнатиш;

— қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

— мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

— қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

— мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ, мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

— мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_\_\_-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган

қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

— ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

— Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

— молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_\_\_-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;



- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини бўлади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

##### **10. Шартнома:**

- миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда, томонлар уни имзоланган пайтдан бошлаб;
- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорига, бу 110670000.0 сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача донрасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда:

- объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида ишлар қийматининг камида 45 фоизи миқдорига;

- мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин — ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорига, бироқ, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини — техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бугун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.



22. Пудратчи техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунгазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш нazorати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даволатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даволатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўриштиладиган координатлар, баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиш схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугатилгандан кейин уларни даволатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланганидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишнazorат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш даволатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишнazorат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви даволатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маънафатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у



агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Пудратчи сифатсиз бажаришган ишларни келишилган муддатларда тuzата олмаcа, Пудратчи уларни тузишининг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши саваси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тузисидати маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидаги ёки Пудратчининг кайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни қўриқлаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилишни тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсишган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутавоси равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмаcалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кондаларига биноан амалга оширилади.



45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланғичидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

48. Пудратчи:

— барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

— лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

— Узи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчибуюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

— ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

— объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қиравган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 йил этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада қўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан беш тортган таклирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик сулига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

— шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қараб Пудратчи томонидан бир ойдан кўпроқ вақтга кечиктирилганда;

— ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жавабига риоя этилмаганда;

— Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;



— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда:

— Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартнома бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборати.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

— иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳарбир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг фойзи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига уз тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг — фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳарбир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг — фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг — фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳарбир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг — фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг — фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилиш назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортгани, шунингдек Пудратчидан сифати зарур



даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_\_\_ - фонзи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қўшилган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада инфодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня гулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва отзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма, рўхсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар; агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳарқандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида унга тегишли мол-мулкни қолдирса, у қолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.  
Шартнома муддати 31.12.2022 йил

#### **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари**

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

Қамаши т. Ободонлаштириш бошқармаси

“Муборак таъмир қувур сервис”МЧЖ

ш/х:

х/р

20208000204686452001

Қамаши Агробанк МФО: 00160

“Алоқа» банк Қарши.ш.

ИНН : 206946624

ИНН: 300756070

ОКОНХ 90211

МФО: 00401

Молия Вазирлиги Газначилиги

Манзил: Қарши.ш.

23402000300100001010

ИНН: 201122919


МФО: 00014 Марказий банк Тошкент ш.





Бошлик : \_\_\_\_\_ Ж.Абдиев

Бошлик: \_\_\_\_\_ А.Раззоков

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	JUMANAZAR ABDIYEV BEGIMQULOVICH
	Imzolangan sana	8 apr 2022 17:23
	Hujjat kodi	<b>UJ6044360103</b>
	Hulosa kodi	<b>PG2471068755</b>



”Гасдиқлаиман”

Қамаши туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи

Ж.Абдиев

№ 09/004

Қамаши тумани

01.08.2022 йил

Қамаши туман “Менинг йўлим” дастури бўйича Савсантепа МФЙ ҳудудида  
3-ички автомобил йўлини капитал таъмирлаш танлов асосида шартнома тузишни  
ташқил қилиш комиссиясининг

**ТАНЛОВ БАЁНИ :**

Комиссия раиси:	Ж.Абдиев
Аъзолари:	
Р.Абдиев	Бош ҳисобчи
Б. Бозоров	Бош муҳандис
Х.Қўйлиев	Мутахасис муҳандис
А.Тоғаев	хужалик мудир

**Кун тартибида куриладиган масала:**

Савсантепа МФЙ ҳудудида 3-ички автомобил йўлини капитал таъмирлаш  
2022 йилнинг август ойида “Муборак таъмир қувур сервис” МЧЖ билан шартнома  
килиш ва шартномани тасдиқлаш тўғрисида.

Комиссия танловга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб,  
Қамай МФЙ ҳудудида пиёдалар йўлаги қуриш бўйича 8 та қурилиш ташкилотлари  
қатнашаётганлигини эълон қилди.

Танлов бўйича 2022 йил 02 август кунда лот № 127395 сонли протокол  
эълон қуйилгандан кейин 5 та қурилиш ташкилотлари ўз таклифлари билан  
қатнашди ва энг юқори балл “Муборак таъмир қувур сервис” МЧЖ олди ва 2 кун  
муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин “Муборак  
таъмир қувур сервис” МЧЖ билан шартнома тузилди.

**Танлов комиссияси қарор қилади:**

1. “Муборак таъмир қувур сервис” МЧЖ танлов ғолиби деб топилсин.
2. Савсантепа МФЙ ҳудудида 3-ички автомобил йўлини капитал таъмирлаш  
ишлари лойҳа смета хужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш мутахасис  
муҳандис Х.Қўйлиевга юклатилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш бош ҳисобчи  
Р.Абдиевга юклатилсин.

Комиссия раиси:

Ж.Абдиев

Аъзолари:

Р.Абдиев

Бош ҳисобчи

Б. Бозоров

Бош муҳандис

Х.Қўйлиев

Мутахасис муҳандис

А.Тоғаев

хужалик мудир:



## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Avtomobil yo'lini kapital ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha.

«BUYURTMACHI» Qamashi tuman Obodonlashtirish boshkarmasi bilan «PUDRATCHI» «Muborak ta'mir quvur servis» MCHJ o'rtasida Qamashi tumani Savsantepa MFY 3-ichki avtomobil yo'lini kapital ta'mirlash ishlarini bajarish, xizmati ko'rsatish to'g'risida tuzilgan 369000000,0 (Uch yuz oltmish to'qqiz million ) so'mlik shartnoma yuzasidan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qamashi tuman Obodonlashtirish boshkarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



A.Raxmatov



Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 127395 на приобретение Камаша туман Савсантепа МФЙ 3-ички кучаси йулини асфальт килиш капитал таъмирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 02.08.2022

Время рассмотрения 02.08.2022 13:57

Конкурсная комиссия Камаша Ободонлаштириш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ABDIYEV LUMANAZAR BESHMURATOVICH	Рахбар	Ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	ESHMURADOVA ZILPIYA SUYUNOXONA	Котиба	Камаша туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	QULIYEV XOLMUMIN QULVAPOVICH	Бош мутахассис	Камаша туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Мукандис	Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	TAG'AYEV ANRAM QARSHIYEVICH	Мутахассис	Камаша туман Ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Бош хисобчи	Камаша туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.08.2022 года № лота 127395.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 97,00 / Весовой коэф. ценовой части: 3,00)

Мин. балл: 42

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по ремонту и содержанию автомобильных дорог
Подробное описание	Камаша туман Савсантепа МФЙ 3-ички кучаси йулини асфальт килиш капитал таъмирлаш ишлари
Количество товара	1 00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	373 113 362 00
Стартовая сумма	373 113 362,00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар



Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJDOVNA	10	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар	8	Экспертная		
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл қуйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди.)	8	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	10	10	8	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	10	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари, СТИР ракамлари, Статистик маълумотлар бизда мавжуд	8	Экспертная		

Критерий №2 Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; эъвал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги)

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; эъвал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJDOVNA	10	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий кафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж	8	Экспертная		



Наименование участника:	Макс Балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		муносабатларига киришмаганлиги; аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги)				
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл қўйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди.)	8	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	7	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	10	10	8	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	10	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатиши бўйича расмий қафолат хати тақдим этиши шарт (Кайта ташкил этиш, тугатиш еки банкротлик ҳолатларида эмаслиги; буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларига киришмаганлиги; аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслиги) бизда мавжуд		Экспертная		

Критерий №3 Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Тип: Текстовое значение

Описание: Тегишли техника ва асбоб ускуналари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJIDOVNA	20	Тегишли техника ва асбоб ускуналари	16	Экспертная		
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	20	20 балл қўйилиши лозим (талаб бўйича	15	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		файл юкланди.)				
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	20	20	19	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	20	20	18	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	20	Тегишли техника ва асбоб ускуналари бизда мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №4 Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJIDOV'NA	10	Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари	7	Экспертная		
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	10	10 балл қуйилиши лозим (талаб бўйича файл юкланди.)	7	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	10	10	8	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	10	10	7	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	10	Охирги 3 йил давомида бажарилган ишлари буйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари бизда мавжуд	7	Экспертная		

Критерий №5 Ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома 10 кишидан кам булмаслиги керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома 10 кишидан кам булмаслиги керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJIDOV'NA	15	Ишчи ходимлар тугрсида маълумотнома 10	10	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	15	кишидан кам булмаслиги керак 15 балл куйилиши лозим (талаб буйича файл юкланди.)	11	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	15	15	12	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	15	15	12	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	15	Ишчи ходимлар тугрисида маълумотнома 10 кишидан кам булмаслиги кераклиги бизда мавжуд	12	Экспертная		

Критерий №6 Рейтинг даражаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Рейтинг даражаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SHAROFAT MAJIDOVNA	20	Рейтинг даражаси	17	Экспертная		
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	20	20 балл куйилиши лозим (талаб буйича файл юкланди.)	17	Экспертная		
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	20	20	17	Экспертная		
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	20	20	17	Экспертная		
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	20	Рейтинг даражаси бизда мавжуд	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	373 113 362,00	369 000 000,00 UZS	369 000 000,00	00,00	369 000 000,00	01.08.2022 21:21:03	02,76
SHAROFAT MAJIDOVNA	072 113 362,00	339 533 160,00 UZS	339 533 160,00	00,00	339 533 160,00	31.07.2022 16:26:58	03,00
GULI-SHIRA	373 113 362,00	369 382 000,00	369 382 000,00	00,00	369 382 000,00	01.08.2022	02,76

LAZZATI MCHJ	362.00	UZS			000 00	18:38:07	
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	373 113 362.00	360 000 000 00 UZS	360 000 000.00	00.00	360 000 000 00	01.08 2022 22:35:06	02.83
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	373 113 362.00	369 000 000 00 UZS	369 000 000.00	00.00	369 000 000 00	01.08 2022 21:35 24	02.76

### Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS	78.74072	2.76	81.50072
SHAROFAT MAJIDOVNA	77.6	3	80.6
GULI-SHIRA LAZZATI MCHJ	78.31759	2.76	78.07759
ЧП PARDOZCHI-MUHANDIS	76.45928	2.83	79.28928
МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС	79.88241	2.76	82.64241

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 127395 от 02.08.2022 года на приобретение Камаша туман Савсантепа МФЙ 3-ички кучаси йулини асфальт килиш капитал таъмирлаш ишлари определила победителем:

МУБОРАК ТАЪМИР КУВУР СЕРВИС  
300756070

и резервный исполнитель: MODERNIZATSIA MAXSUS SERVIS (301744330)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDIYEV JUMANAZAR BEGIMQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	BOZAROV BAYRAMALI RASHIDOVICH	Согласен	
Член комиссии	TAG'AYEV AKRAM QARSHIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QUYLIYEV XOLMUMIN QULVATOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDIYEV RUZIMURAT YULDASHOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП